Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2022 йил
17 июнь,
жума
№ 25 (903)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш ва яқинлаштириш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан "Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон қадри учун" мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **Республика тез тиббий ёрдам маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ва унинг **14 та** ҳудудий филиали тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда тиббий автохўжаликлар негизида ташкил қилинсин ва **тез тиббий ёрдамнинг ягона вертикал бошқарув** тизими йўлга қўйилсин.

2. Белгилансинки:

Марказ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тез тиббий ёрдам фаолиятини республика бўйича мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда махсус автотранспорт воситалари (эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар), дори воситалари ва сарфлаш материаллари, тиббий жиҳозлар таъминоти Марказнинг ҳудудий филиалларига ўтказилади;

Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида ситуацион мувофиқлаштирувчи бўлимлар ташкил этилиб, туман (шаҳар) ва ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини таҳлиллар асосида бошқаради ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автохўжаликлар таркибидаги тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалари Марказнинг ҳудудий филиаллари таркибига ўтказилади ҳамда автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш аутсорсинг шартномалари асосида амалга оширилади;

тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларида ёқилғи-мойлаш материалларининг сарфи электрон дастур орқали назорат қилинади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) **бир ой муддатда** Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари уставлари ва тузилмаларини тасдиқласин. Бунда, Марказ директорига, зарур ҳолларда, тасдиқланган тузилмаларга ходимларнинг чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, марказий туман (шаҳар) шифохоналари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автохўжаликларнинг янгиланган штат нормативларини ишлаб чиқсин ва **2022 йил 1 сентябрга қадар** тасдиқласин.

(Давоми 2-бетда) ▶

13 июнь куни Олий Мажлис Сенатининг йигирма еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда 6 та масала, шу жумладан, 5 та қонун муҳокама қилинди.

Парламент фаолияти

Муҳим масалалар муҳокамаси

Дастлаб сенаторлар **"Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"**ги қонунни кўриб чиқишди. Ушбу янги қонунда давлат мулкини бошқариш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда. Хусусан, унда давлат мулкини бошқариш принциплари, давлат мулкига эгалик қилиш мезонлари белгиланмоқда ва давлат мулки турларга ажратилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этишнинг асосий йўналишлари, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш механизмини жорий этишда давлат мулкини бошқариш субъектлари, яъни Вазирлар Маҳкамаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, давлат органлари ва ҳокимликларнинг ваколатлари белгиланмоқда.

Ушбу қонун давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, давлат мулкини бошқариш соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда бу соҳада ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулияти ҳамда ваколатларини аниқ белгилаш баробарида давлат мулкини бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

"Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонунда "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги, "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлардаги нормаларни мужассамлаштиргани учун уларни ўз кучини йўқотган деб топиш назарда тутилган эди. Бироқ ялпи мажлисда Сенат аъзолари қонуннинг асосий тушунчаларига аниқлик киритиш зарурлиги, баҳсли нормалар мавжудлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти чуқур ўрганиб чиқилмаганлиги сабабли уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

"Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам қизғин муҳокамага сабаб бўлди.

Унда трансплантация соҳасида қонунчилик нормаларини бузганлик учун Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, шунингдек, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги ҳамда "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Бу — менинг Конституциям

Адолатсиз жазо қийноқ деб ҳисобланиши зарур

Афсуски, қийноқ ва ғайриқонуний муомала ҳолатлари Ўзбекистон учун ҳам бегона мавзу эмас. Айниқса, бундан 5 — 10 йил илгари суриштирув, тергов жараёнларида, жазони ўташда қийноқларга йўл қўйилгани тўғрисида миллий ва халқаро инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилотлар томонидан эътирозлар бўлиб турарди.

Бироқ сўнгги йилларда мамлакатимизда қийноққа қарши курашиш борасида жиддий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2021 йил 26 июндаги **"Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Президент қарори бунинг ёрқин далилидир.

Конституциямизда белгиланган ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслигига оид нормаларни янада такомиллаштириш зарурати аён бўлмоқда. Жумладан, амалдаги ушбу норма шахснинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи жазога дучор этилмаслиги кераклиги тўғрисидаги халқаро талабни тўлиқ қамраб олмаган.

Миллий қонунчилигимизда қийноқ ҳамда шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ман этилган. Аммо шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи жазони ман этишга оид норма ва талаб мавжуд эмас. Жазонинг адолатсиз

бўлиши ундан кўзланган натижани бермайди. Адолатсиз жазо жавобгарликка тортилган шахс учун ортиқча уқубатлар келтиради, шу боис бундай жазони қийноқ деб ҳисоблаш зарур.

Шу сабабли Асосий қонунимизга шахснинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи жазога дучор этилмаслиги кераклиги тўғрисидаги нормани киритиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексидаги адолатсиз деб ҳисобланаётган жазоларнинг миқдорини ҳам қайта кўриб чиқишга хизмат қилади.

Инсон қадри юксалаётган мамлакатимизда, барча жабҳаларда бўлгани каби, жавобгарликка тортиш тизими, хусусан, қўлланадиган жазо ҳам адолатли ва инсоний бўлиши керак.

Фарҳод ПРИМОВ,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда. Шу мақсадда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга, улар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини, жумладан, оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Қонун ижодкорлиги

Тазйиқ ва зўравонликдан қандай ҳимояланиш мумкин?

бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

Энг муҳими, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизим яратилди.

Шу билан бирга, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонуний таъсир кўрсатиш чоралари сифатида "ҳимоя ордери" институти жорий этилди.

Қонунчиликка мувофиқ, ҳимоя ордери тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахсга тақдим этилади. Унинг нусхаси тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга берилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ислоҳот ва самара

Маъмурий суд такомили: далиллар йиғиш мажбурияти, ярашув институти ва суд жаримаси

Бугунги кунда мамлакатимиз суд тизимида одил судловни амалга оширишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, бу жараёнда жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Олий суднинг расмий веб-сайтида барча суд қарорлари доимий равишда эълон қилинмоқда, судьялар ўз қарорларининг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириб бермоқда, суд раислари ҳар чоракда оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари билан брифинглар ўтказаётир.

(Давоми 4-бетда) ▶

Адолат тамойили

«Чақалоқ»нинг орзуси

у 40 ёшга етганида ушалди

Шу йил 29 апрель куни фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судида қизиқ бир масала муҳокама қилинди. Суд мажлиси сайёр тартибда, Ҳазорасп туманидаги Ғафур Ғулом номидаги маҳаллада ўтказилди. Суд мажлисида Тупроққалъа туманида истиқомат қилаётган Нодира Машарипованинг аризаси муҳокама қилинди.

Даъвогар судда кўрсатма бераркан, отаси Ўрозбой Машарипов ва онаси Светлана Тиматева 1976 йил қонуний никоҳдан ўтмаган ҳолда турмуш қуришгани, бу жараёнда 5 нафар фарзанд дунёга келгани, ўзи эса, 1991 йилнинг 11 май куни Питнак шаҳрига қарашли Тупроққалъа мавзесида туғилганини баён қилди.

Афсуски, ўшанда туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ота-онанинг қонуний никоҳсиз туғилган қизчанинг номига туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш ҳақидаги сўровини рад этади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Моҳият

Ерга оид ҳуқуқлар:

тенглик ва шаффофлик, такомиллашаётган қонунчилик

Олий Мажлис Сенатининг йигирма олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун маъқулланди.



Ушбу қонун маҳаллий Кенгашлар, манфаатдор вазирлик ва идора вакиллари, экспертлар иштирокида бир неча бор муҳокама қилинди. Уни ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам батафсил ўрганиб чиқилди.

Янги қонун билан амалдаги 20 дан зиёд қонун, жумладан, 4 та кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Булар мамлакатимизда ер муносабатларини бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда тартибга солишга хизмат қилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Парламент фаолияти

Муҳим масалалар муҳокамаси

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Жумладан, инсон аъзолари ва тўқималарини олиш, трансплантация қилишнинг белгиланган шартлари ҳамда тартибини бузганлик, вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигини олмай туриб, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш учун олганлик, инсон аъзоларининг ва тўқималарининг олди-сотдиси билан шуғулланганлик, инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва тўқималарини мамлакатимиздан ташқарига олиб чиққанлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Мажлисда **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун ҳам кўриб чиқилди. Унда Сайлов кодекси, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Хусусан, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонунда сайлов округининг ҳудуди бошқа маъмурий-ҳудудий бирлик таркибига ўтказилганда ёки унинг ҳудудида янги маъмурий-ҳудудий бирлик ташкил этилган тақдирда ушбу сайлов округидан сайланган депутатнинг ваколатлари сақлаб қолиниши белгиланмоқда.

Сайлов кодексига янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликдаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига сайловни ўтказиш учун сайлов округлари сонини белгилаш ва ушбу сайлов округлари, сайлов комиссияларини тузиш, сайловни ўтказишга доир қоидалар киритилмоқда.

Бундан ташқари "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги қонунга киритилаётган ўзгартиришлар орқали референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, чет давлатларда турган фуқароларни овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига киритиш, референдум ўтказувчи комиссия аъзолари бўла олмайдиган шахслар доираси белгиланмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун билан дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузганлик, шу билан бирга, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкий зарар етказиш каби ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик бекор бўлмоқда.

Бундан ташқари қонун ҳужжатларига нодавлат суд экспертларининг суриштирув, дастлабки тергов ва суд иш юритувидаги иштироки ҳамда улар ваколатини назарда тутувчи янги нормалар киритилмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан очиқлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида яна бир қанча ҳуқуқларга эга бўлмоқда. Иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритилаётганда судга қадар тайёргарлик чоғида ҳамда суд жараёнида ишонч билдирувчи шахснинг розилиги билан давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан шартнома асосида экспертиза ўтказилишини сўраш, шунингдек, экспертиза хулосаси иш материалларига қўшиб қўйилиши ва суд томонидан ушбу хулоса ишдаги мавжуд далиллар билан биргаликда баҳоланишини талаб қилиш ҳуқуқи шулар жумласидандир.

Қолаверса, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий суд ишларини юритишда эксперт сифатида нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг эксперти ҳам иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Ялпи мажлисда Олий суд раисини сайлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда кейинги беш йилда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Олий суд ва Олий хўжалик суди ягона олий орган — Олий судга бирлаштирилди, шунингдек, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди ва маъмурий судлар тизими яратилди. Судьялар олий кенгаши ва Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддати ва шундан сўнг муддатсиз даври белгиланди.

Суд мажлисларига оммавий ахборот воситалари вакилларини қонунда белгиланган тартибда кенг жалб қилиш йўлга қўйилди. Судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд мажлисларини махсус алоқа тизими орқали ўтказиш, суд мажлисларини аудио, видео воситалари орқали қайд этиш, суд қарорларини инсон омилисиз онлайн тарзда тақдим этиш амалиёти жорий этилди. Судлар ва жазони ижро этиш муассасалари ўртасида видеоконференцалоқа тизими ўрнатилди.

"Далиллар мақбуллиги" институти такомиллаштирилиб, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилиши, далилларга холисона баҳо берилган ҳолда оқлов ҳукмлари кўпайишига асос яратилди.

Жиноят процессида яраш институти кенгайтирилиб, у барча инстанцияларда қўлланилиши белгиланди. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув, айбига иқрорлик бўйича келишув институти, медиация институти жорий қилинди.

"Бир суд — бир инстанция" тамойили асосида халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими жорий қилиниб, назорат инстанцияси бекор қилинди.

Мажлисда сенаторлар суд тизимидаги юзага келаётган муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокамалар якунида Козимжон Комилов судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига, беш йил муддатга Олий суд раиси лавозимига сайланди. Бу ҳақда Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

5. Қуйидагилар:

Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва аҳолига янада яқинлаштиришга оид чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам хизматини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам тизимида мавжуд автотранспорт воситалари паркини босқичма-босқич янгилаш режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ишчи гуруҳ (О.Фазилкаримов):

Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижросининг таҳлил қилинишини;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида мақбуллаштириладиган бўлим ва ташкилотларнинг белгиланишини ҳамда мулкий, молиявий ва меҳнат муносабатлари белгиланган тартибда ҳал этилишини;

тез тиббий ёрдам хизмати бўйича аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатилиши борасида чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлигининг тез тиббий ёрдам бўйича **электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини** Тошкент шаҳри тажрибаси асосида республиканинг бошқа ҳудудларида **2023 йил 1 сентябрга қадар** тўлиқ жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, **2022 йил 1 декабрга қадар** Андижон, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари, **2023 йил 1 сентябрга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари туман (шаҳар)ларидаги диспетчерлик хизматлари тугатилиб, **Тошкент шаҳри тажрибаси** асосида Марказнинг ҳудудий филиалларида ягона **"Call-марказ"лар фаолияти** йўлга қўйилсин.

Белгилансинки, тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари — "Call-марказ"ларни ташкил этиш, жиҳозлаш ва уларнинг инфратузилмасини яратиш (электр, сув, юқори тезликдаги Интернет, телефон, рация алоқаси ва бошқалар) ҳамда атрофни ободонлаштиришга;

Соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев — "Call-марказ"ларни жиҳозлаш талабларини белгилаш, уларнинг хизмат кўрсатиш ҳажми ва юқори сифатини таъминлашга шахсан масъул этиб белгилансин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ "Call-марказ"ларда:

чақирувларни қабул қилувчи ходимлар билан бирга шифокор ходимлардан иборат махсус тиббий маслаҳат хизмати фаолияти ташкил этилади;

раҳбар лавозимларига IT-парклардаги иқтидорли ёшлар орасидан муносиб номзодлар тайинланади;

саралаш орқали бемор аҳволи, касаллик тури ва оғирлик даражасига қараб чақирувларга тегишли тиббий бригадаларни йўналтириш тизими жорий этилади;

тез тиббий ёрдамнинг туман (шаҳар) ёки ҳудуд чегарасидан қатъи назар беморгача масофанинг яқинлигига қараб тиббий бригадани йўналтириш йўлга қўйилади.

10. Ишчи гуруҳ (О.Фазилкаримов) жойларда тез ва шошилинч тиббий ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи **чора-тадбирлар дастури** амалга оширилишини таъминласин:

а) Марказ ва унинг ҳудудий филиалларини 4-иловага мувофиқ **жойлаштириш,** уларни **замонавий бино ва иншоотлар билан таъминлаш;**

б) Марказнинг ҳудудий филиаллари ва "Call-марказ"ларни **жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш** (сув, электр, алоқа, Интернет, локал тармоқ ва бошқалар);

в) тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини ҳамда автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш ва бошқа материаллар, дори воситалари, сарфлаш материаллари ва тиббий жиҳозлар **таъминотини ҳудудий филиалларга ўтказиш;**

г) марказий туман (шаҳар) шифохоналари қабулхоналарини шошилинч хизмат кўрсатишга ва юқори технологик тиббий жиҳозларни ўрнатишга мослаштириш;

д) тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига **радиоалоқа воситалари ва GPS-трекерлар** ўрнатиш;

е) тез тиббий ёрдам бригадаларини **планшетлар** билан таъминлаш;

ж) Марказнинг ҳудудий филиалларида **электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини** Тошкент шаҳри тажрибаси асосида жорий этиш;

з) тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, уларни ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни **аутсорсингга ўтказиш** ҳамда электрон тизим орқали назорат қилишни ташкиллаштириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2022 йил 1 декабрга қадар ҳамда 2023 йил 1 сентябрга қадар** мутасадди раҳбарлар ҳисоботини эшитиш тавсия этилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази **Республика тез тиббий ёрдам маркази ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мактаби** (кейинги ўринларда — Мактаб) этиб қайта ташкил этилсин ва Марказ тасарруфига ўтказилсин.

Белгилансинки, Мактаб тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Кадастр агентлиги (Ф.Пулатов) билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** 10 мингта кўчага ном бериш ишларини якунласин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш ва рақамлаштириш учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида **85 миллиард** сўм миқдордаги маблағларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасига йўналтирсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон банки шошилинч хизматларни ривожлантириш лойиҳаси доирасида **5 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни тез ва шошилинч тиббий ёрдамни рақамлаштириш тадбирларига йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг эскирган ва фойдаланилмаётган автотранспорт воситаларини кимошди савдоларида сотишдан тушган маблағлар тез тиббий ёрдам хизмати автопаркини янгилаш мақсадлари учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси ҳисобрақамига йўналтирилсин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлигига тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув ҳамда ягона қўнғироқларни қабул қилиш тизимларини республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш учун Тошкент шаҳрида мазкур тизимларни жорий қилишга жалб қилинган тизим интегратори билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилсин. Бунда, кўрсатилган хизмат тарифлари Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) **2022 йил якунига қадар** мавжуд ўринлар ва штат бирликлари доирасида:

марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимларидаги ўринлари педиатрия, терапия ва хирургия бўлимлари таркибига ўтказилиб, беморларни касалликнинг оғирлик даражаси бўйича саралайдиган (триаж) тунукун ишлайдиган **шошилинч қабул бўлимларини;**

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг ҳудудий филиаллари ҳамда барча туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида **шошилинч қабул бўлимларини;**

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 1-сон, Яшнобод туманидаги 4-сон, Юнусобод туманидаги 7-сон шаҳар клиник шифохоналари ҳамда Учтепа туманидаги Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси таркибида алоҳида юридик мақомга эга бўлмаган **туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини** ташкил этсин.

18. Марказ ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, уларнинг ҳудудий филиаллари ҳамда туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат турларидан ташқари хизматларни пуллик асосда ташкил этишга рухсат берилсин.

19. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.Вафаев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) янги ташкил этилаётган туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қонтомир касалликлари марказларини жиҳозлаш учун Жаҳон банкининг "Ўзбекистонда COVID-19 коронавируси инфекциясига қарши курашиш бўйича шошилинч чораларни кўриш" лойиҳаси доирасида иқтисод қилинган маблағларни йўналтирсин.

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев):

Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** шошилинч қабул бўлимларининг янгиланган штат нормативларини тасдиқласин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда 2022 йил 1 декабрга қадар марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг ўринлар фондини аҳоли сони ва касалликлар йўналишларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

22. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев белгилансин.

24. Қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 16 июнь

Адолат тамойили

«Чақалоқ»нинг

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу боис у туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини олмай туриб вояга етди. Аниқроқ айтганда, фуқаролиги бўлмаган шахс рўпара келиши эҳтимол тутилган қарама-қаршиликларнинг аксари унинг йўлини кесиб чиқди. Оқибатда мактаб таълими ора йўлда қолди. Нодира Машарипова таълим-тарбия жараёни авж паллага кўтарилган, ақли ва билими рўйи-рост чечак ёзаётган бир вақтда ўз қадрдон мактабини тарк этди. Бу воқеа 2004 йил рўй берди.

Саъй-ҳаракатларнинг бари зое кетди. Бу ҳол юртимизда адолат, одиллик, холислик, қонунийлик, чинакам ҳурлик эпкинлари эса бошлаган, халқ давлат идораларига эмас, давлатнинг ўзи омма ҳузурига дадил ошиққан айни дориломон кунларимизгача давом этди.

...Нодира фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида туғилганлик фактини белгилашни сўраб, судга мурожаат қилди. Суд томонидан аризада келтирилган талаблар атрофлича ўрганилди. Ҳудуддаги 13-сонли умумтаълим мактаби судга Нодира Машарипова ҳақиқатан ҳам, ушбу масканда 1999 йилдан 2004 йилгача билим олгани, аммо ўқишни охиригача етказмагани боис унинг номига шаҳодатнома расмийлаштирилмагани ҳақида маълумотнома тақдим этди. Тумандаги "Ҳазорасп" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотномада эса, Н.Машарипова айни пайтда ушбу маҳаллада истиқомат қилиши баён этилган. Бошқа далиллар ҳам тўпланди. Уларнинг бари салкам 30 ёшга етса-да, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, бинобарин фуқаролик мақомидан ҳам бебаҳра қолиб келаётган Н.Машарипова чиндан ҳам, 1991 йил 11 майда Ў.Машарипов ва С.Тиматева оиласида дунёга келганини тасдиқлади. Ўттиз ёшли Н.Машарипова жонажон Ўзбекистон учун бегона ёки номатлуб шахс эмас. Аксинча, шу юртнинг чин фуқароси ва тасдиғини топган ушбу ҳақиқат тан олинмоғи керак. Фуқаролик процессуал кодексининг 295-моддасида уқдирилишича, туғилганлик факти суд тарафидан белгиланади.

Олий суди Пленумининг **"Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида қайд этилишича, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органида архив ҳужжатлари йўқолган, тегишли ёзувлар сақланмаган ва бундай ёзувларни тиклаш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органлари томонидан рад қилинган бўлса ёки бундай ёзув фақат суднинг фуқаролик ҳолатини рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳал қилув қарори (масалан, вафот этганларга нисбатан) асосида тикланиши мумкин бўлган ҳолатларда судлар туғилганлик, болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимни рўйхатга олиш фактини белгилашга ҳақли.**

Фуқаролик процессуал кодексининг 297-моддаси иккинчи қисмига кўра, **фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларида расмийлаштирилиши лозим бўлган фактларнинг аниқланганлиги тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори бу органлар томонидан бериладиган ҳужжатларни қайд қилиш ёки расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Оталикни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги факти, шунингдек, туғилган вақтини аниқлаш борасидаги ишлар эса, ушбу кодекснинг 295-моддасига мувофиқ суд томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.**

Суднинг ҳал қилув қарорида ушбу тартиб-таомилларнинг бари назарда тутилди.

Нодира Машарипованинг 1991 йил 11 майда туғилгани факти эътироф этилди. Юртимизнинг яна бир фуқароси салкам ўттиз йил орзиқиб кутган ниятига эришди.

Қонун ижодкорлиги

Тазйиқ ва зўравонликдан қандай ҳимояланиш мумкин?

бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, ушбу шахслар ҳимоя ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари ва зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилинади.

Ҳимоя ордери талабларини бажармаслик, амалдаги қонунчиликка кўра, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Бироқ тегишли жавобгарлик белгиланган бўлишига қарамасдан, тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармасдан хотин-қизларга нисбатан такроран тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этиш ҳолатлари ҳам ортиб бормоқда.

Хусусан, 2020 йилда ҳимоя ордерларини бажармаслик оқибатида 146 та ҳолатда маъмурий жавобгарлик қўлланилган бўлса, 2021 йил якунига келиб бу рақам 1 минг 322 тани ташкил этган. Хавотирли томони шундаки, бу кўрсаткич бир йилда етти баробарга ошган.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва ёки зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик ҳолатлари бўйича жавобгарликни кучайтириш тақозо этилади.

Шу сабабли Вазирлар Маҳкамаси томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206[1]-моддасидаги тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик учун белгиланган жазони кучайтириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Қонунчилик палатасига киритилди.

Қонун лойиҳасига кўра, ҳимоя ордери талабларини бажармаслик учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдордаги жаримани беш бараваридан ўн бараваригача этиб белгилаш таклиф қилинмоқда.

Қонун ташаббуси ҳуқуқи субъектига кўра, жарима миқдорининг оширилиши тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талаблари бажарилишига, хотин-қизлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг таъминланишига хизмат қилади.

Мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг фракциялари томонидан кўриб чиқилиб, батафсил муҳокама қилинди. Муҳокамаларда сиёсий партиялар фракциялари томонидан бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, ушбу ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда:

жазо турлари ва жарима миқдорини ўрнатиш;

жарималарни кескин қўллаш орқали учинчи шахсларнинг, яъни эр-хотиннинг қарамоғида бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслик;

жавобгарликни кучайтириш билан бирга, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни, хусусан, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш борасида тушунтириш ишларини кучайтириш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Баҳс-мунозаралар якунида сиёсий партия фракциялари томонидан қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Ҳозирда қонун лойиҳасини келиб тушган таклифлар асосида кўриб чиқиш ва биринчи ўқиш муҳокамасига киритиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Беҳзод СУЛТОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Девони масъул ходими

Моҳият

ЕРГА ОИД ҲУҚУҚЛАР:

тенглик ва шаффофлик, такомиллашаётган қонунчилик

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Янги қонун билан Ер кодексига киритилган ўзгартишга кўра, эндиликда ерлар фақат электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинади. Жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар очиқ электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади. Ижарага бериш Вазирлар Маҳкамаси томонидан, шунингдек, очиқ электрон танлов ва электрон онлайн-аукцион воситасида амалга оширилади.

Муҳим янгиликлардан яна бири шундан иборатки, олдинги тартибдан фарқли ўлароқ эндиликда очиқ электрон танлов якунларини вилоят ҳокимлари тасдиқлаши талаб этилмайди. Бундан ташқари фуқаролар йиғининг ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш туман, шаҳар комиссиясига ўз вакилини юборишга оид ваколати бекор қилинмоқда.

Кўчмас мулк, яъни ер участкалари, бино ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш бекор қилиниб, электрон давлат реестри юритила бошланди. Эндиликда, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқлаш учун давлат реестридан электрон кўчирма берилади.

Электрон кўчирма ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери, ҳокимнинг ер участкасини доимий фойдаланишга бериш тўғрисидаги қарори, ижара шартномаси, ер участкаси берилган пайтдаги қонунчиликка мувофиқ ер участкасини бериш ваколатига эга бўлган ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатлари, кадастр идораларининг ер участкасини бўлиш ҳақидаги ҳужжатлари, суд қарори, олди-сотди шартномаси, мулкдорлар ёки улар ваколат берган шахсларнинг қарори асосида берилади.

Ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва чора кўриш Кадастр агентлиги органларига юклатилмоқда. Улар шундай ҳолатлар аниқланган тақдирда ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоқда.

Янги қонунда давлат кадастрига оид қоидаларни ҳам такомиллаштириш назарда тутилган. Хусусан, давлат кадастрларининг ягона тизими Миллий географик ахборот тизимида шакллантирилади. Қолаверса, республика ва унинг айрим ҳудудлари табиий-иқтисодий салоҳиятининг ягона умумдавлат ҳисоби юритилади ҳамда баҳоланади. Шу сабабли келгусида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудлар давлат кадастрининг юритилишини ташкил этиш билан шуғулланмайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу янги қонун ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш, шунингдек, ер ҳисоб-китобини юритиш, баҳолаш ҳамда сақланадиган ва юритиладиган маълумотларнинг аниқлигини оширишга ҳисса қўшади.

Баҳодир ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Сенати Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси

Ҳуқуқий маърифат

МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ: ТАРИХИЙ ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Маълумки, шаън ва қадр-қиммат инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари ҳисобланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида барча инсонларнинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз эканлиги кафолатланган.



1966 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактларда хавфсиз ва гигиена талабларига мос шароитда меҳнат қилиш, яшаш жойининг дахлсизлиги ва ёзишмаларнинг сир сақланиши, эркин фикрлаш ва диний эътиқод эркинлиги, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи каби бир қатор муҳим ҳуқуқлар ўз ифодасини топган.

Маънавий зиённи қоплаш институти ана шундай ҳуқуқларнинг таркибий қисмидир. Тарихи қадим даврларга бориб тақаладиган ушбу ҳуқуқий институт қоидалари дастлаб товон тўлаш тўғрисидаги даъволар шаклида бўлган. Масалан, жиноят содир этган шахсга жазо тайинлашда жабрланувчининг хоҳиш-иродаси инобатга олинган. Жабрланувчи айбдор шахсни жазолаш ҳуқуқига эга бўлган, аммо тарафларнинг товон тўлаш эвазига келишиши ҳолатлари ҳам учраб турган.

Қадимги Рим давлатида ишлаб чиқилган "XII жадвал" қонунларида жабрланувчига товон тўлаш тартиби жорий қилинган. Ўша даврдан бошлаб қотиллик, тан жароҳати етказиш ва ҳақорат қилиш натижасида жабрланувчига етказилган маънавий зиён учун товон тўлаш ҳуқуқи белгиланган.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудларида ҳам содир этилган жиноят учун товон тўлангани тўғрисида тарихда қизиқарли маълумотлар кўп. Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудларида кенг тарқалган зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган "Авесто"да ёмонлик ва яхшилик тушунчалари, қандай ҳаракатлар жиноят экани ва ушбу содир этилган жиноятларга бериладиган жазо турлари қайд этилган. "Авесто"да бешта санаб ўтилган жиноятлардан ташқари барча жиноятлар учун товон тўлаш мумкин бўлган. Бундан ташқари айрим жиноятлар учун товон тўлашдан ташқари ҳуқуқбузарнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлиб тавба қилгани ёки зардуштийлик динини қабул қилгани учун жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш билан ҳуқуқбузарларга енгилликлар берилган.

VIII асрдан Ўрта Осиёда ислом дини кириб келиши билан жамиятдаги муносабатлар шариат асосида тартибга солинган. Ислом ҳуқуқида ҳам жабрланувчи жиноят содир этган шахсни жазолаши ёки ундан товон олиши ёхуд уни кечиришга ҳақли экани қайд этилган.

Таъкидлаш жоизки, шариат қоидаларида жазо меъёри содир қилинган қилмишга тўлиқ мос келиши кераклиги талаб этилади. Жазо турлари тўсқинлик қилувчи (ҳад), қасос олувчи (қасос, дия, каффора, меросдан маҳрум қилиш) ва огоҳлантирувчи (таъзир)дан иборат бўлган.

Шариатда содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноят учун тўланадиган товон "дия" деб аталган. Диянинг миқдори ва шакли қози томонидан белгиланса-да, бироқ тарафлар бу масалада хусусий келишувга эришиши мумкин бўлган.

Кўриниб турганидек, моддий ва маънавий зиённи қоплаш давлатчилик пайдо бўлганидан бери ҳуқуқ олдидаги муҳим масалалардан бўлиб келмоқда. Бу бағрикенглик ва ярашув институтларининг туб илдизи қадим замонларга бориб тақалишидан далолатдир.

Мамлакатимизда маънавий зиённи қоплаш билан боғлиқ қоидалар илк марта 1997 йил 1 мартда Фуқаролик кодексига киритилган бўлиб, айни вақтда бу масала қизғин баҳс ва мунозаралар билан ўрганилаётган ўзига хос йўналишга айланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, маънавий зарарнинг қопланиши азалдан ижтимоий адолатни таъминлашга ёрдам берган. Ҳозирги вақтда маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган маънавий азобларнинг хусусиятига қараб суд томонидан аниқланаётгани фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклаши баробарида жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Лола САИДОВА,
Судьялар олий мактаби тингловчиси

Қилмиш-қидирмиш

ТАЪМАГИРЛИК

қонуний жазога сабаб бўлди

Одатда, баъзи кимсаларга бирор-бир иш ёки хатти-ҳаракатнинг ноқонуний — жиноят эканини, оқибати ташвишли якун топишини айтиб, тушунтирсангиз ҳам, токи пешонаси деворга урилмагунча, кўзи очилмайди.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси Фарғона минтақавий инспекцияси раҳбари лавозимида фаолият юритган 33 ёшли Бакиржон Қўзибоев (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши қатъият билан кураш олиб борилаётгани, пора олиш-бериш ёхуд бундай жараёнда воситачилик қилиш учун жазо муқаррарлигини яхши биларди. Аммо....

Гап шундаки, фуқаро Умиджон Ҳақбердиев 2020 йилнинг декабрь ойида қум-шағал қазиб олиш фаолияти билан шуғулланиш мақсадида лицензия олиш учун инспекцияга мурожаат қилади. Бундай вазиятда раҳбар масаланинг қонуний ечимини мурожаат муаллифига тушунтириши, тегишли йўл-йўриқ кўрсатиши лозим эди. Бироқ Б.Қўзибоев бундай қилмади, аксинча, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлади.

— Ҳозир лицензия электрон аукцион орқали бериляпди. Лекин бу сизга жуда қимматга тушади, — дея у вақима қилади.

(Давоми 4-бетда) ▶

орзуси

у 40 ёшга етганида ушалди

Аммо бу оиланинг барча муаммоси шу орқали ҳал бўлди десак, хато қиламиз. Чунки ушбу хонадоннинг яна бир фарзанди 1986 йил туғилган Наташа Машарипованинг тақдири ҳам айнан шу алфозда кечди.Маълум бўлишича, у ҳам синглиси сингари 13-сонли мактабда бор-йўғи 6-синфни тугаллаган.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлмагани сабабли, 1999 йил бу даргоҳдан оёғини узган. Ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирмагани боис таълимга доир шаҳодатнома ҳам ололмаган. Унинг ушбу мактабда ўқигани ва тумандаги "Ҳазорасп" маҳалласида истиқомат қилаётгани ҳақидаги маълумотномалар унинг шу юртда туғилгани ва шу ерда камолга етганини тўлиқ исботлади.

Суд Наташа Машарипованинг туғилганлик фактини белгилаш ҳақидаги аризасини қаноатлантирди. Унинг 1986 йил 7 апрелда туғилгани факти эътироф қилинди. Алқисса, бундай ҳаяжонли онлар оиланинг яна бир аъзоси 1983 йил туғилган Умида Машарипови ҳам ўз оғушига олди. Укдирилганидек, бахт қўшалоқ келди: ўкинчли, армонли онлар қувончли ва ҳаяжонли дамларга дўнди. Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома уни ёши 40 га етган чоғда йўқлаб келди. Дарҳақиқат, шундай. Умида ҳам сингиллари Нодира ва Наташа сингари неча ўн йиллар мобайнида фуқаролик мақомисиз умргузаронлик қилди. Аммо исми-жисмига монанд тарзда умидини йўқотмади. Опа-сингиллар бир бўлиб, юқори турувчи органлар, жумладан, тегишли суд маҳкамасига ҳам мурожаат қилишди. Учовлон опа-сингилнинг ўзларига нисбатан фуқаролик мақомини белгилаш ҳақидаги аризаси суд томонидан кўриб чиқилди. Ҳақли талаб қаноатлантирилди. Ҳар учала фуқаронинг юртимиз бағрида туғилгани факти қайд қилинди. Айни пайтда опа-сингилларни наинки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, балки фуқаролик паспорти сари элтувчи йўллар ҳам очилди.

Куни кеча эса, Тупроққалъа туманидан хушхабар келди. Маълум бўлишича, туман ФХДЁ бўлими учала опа-сингил номига янги туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни битиб, уларга тантанали равишда топширган. Суднинг бу борадаги ҳал қилув қарори ижроси таъминланган.

Баён этилган ҳолатларнинг бари давлатимиз ўзининг бу борадаги бурч ва мажбуриятларини оғишмай адо этгани, Конституциямизнинг 14-моддасида белгиланган талаблар амалда рўёбга чиққанидан дарак беради. Дарҳақиқат, ушбу моддада инсонпарварликнинг ибратли тамойили мужассам. У суд мажлиси асносида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Сардор КАРИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро суди судьяси

Ислоҳот ва самара

Маъмурий суд такомили: далиллар йиғиш мажбурияти, ярашув институти ва суд жаримаси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Жамиятда маъмурий судларга бўлган ишончни янада ошириш ҳамда давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш мақсадида 2022 йил 29 январда **"Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Президент қарори қабул қилинди.



Эндиликда ушбу қарорга мувофиқ, маъмурий суд ишларини юритишни "суднинг фаол иштироки" тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш назарда тутилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик шуки, маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималарини қўллаш, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида ярашувга эришиш механизмларини жорий қилиш, тарафларга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, низолашаётган иш бўйича келишув битимини тузиш ҳуқуқи берилмоқда.

Энг муҳими, келгусида суд ҳужжати ижро қилинмаса, бунга жавобгар бўлган давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан суд жаримасини қўллаш амалиёти йўлга қўйилади. Бу суд ҳужжатларини ўз вақтида ижро этишга имкон яратади.

Бундан ташқари одамлар овора бўлмаслиги учун ҳар қандай мурожаат (ариза, даъво ариза, шикоят) қайтарилмайди. Улар ваколатли судга кўриб чиқиш учун ўтказилади. Бошқача айтганда, ҳар бир мурожаат кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилади. Бу мурожаатларнинг сонини камайтириши баробарида аҳолига қулайлик яратиш орқали уларни рози қилиб, одил судловнинг сифатини оширишга ҳисса қўшади.

Зафар КАРИМОВ,
Самарқанд туманлараро маъмурий суди раиси

Тарих тилсимлари

Алишер Навоий сурат чизганми?

Ҳазрат Алишер Навоий ўз даврида нафақат шеърият, балки мусиқа, тасвирий санъатга ҳам алоҳида эътибор қаратгани, бу соҳа вакилларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатгани маълум. Жумладан, улуғ шоир кўплаб ҳаттотлар, нақкошлар, мусаввирларга ҳомийлик қилган. Камолиддин Беҳзод, Мирак Нақкош, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари ўз соҳасининг етук вакиллари бевосита Алишер Навоийнинг эътиборига тушишган.

"Фарҳод ва Ширин" достонидаги Моний образи буюк мутафаккирнинг тасвирий санъатга алоҳида ёндошганини исботлайди:

Вале Моний онингдек нақшбанди
Ки, нақшин чарх анга нақшин паранди..
Чу боғлаб сурати бежонга зевар,
Бўлуб ул навъким руҳи мусаввар.

...Мактаб дарсликларида Алишер Навоийга нисбат берилган бир суратга барчамизнинг кўзимиз тушган. Суратда бўйнига занжар солинган шер тасвирланган. Жумладан, адабиётшунос олим Натан Маллаевнинг 1975 йилда чоп этилган "Ўзбек адабиёти тарихи" китобида ҳам шу сурат берилиб, унинг остида "Занжирбанд шер" (Навоий ишлаган сурат)" деб изоҳ берилган, холос.

Китобда бу сурат ҳақида бошқа маълумот учрамайди. Айнан шу тасвир ва унинг моҳияти таниқли олимлар ва шоирларимизнинг ҳам ижодига кўчиб ўтган. Уйғун ва Иззат Султон қаламига мансуб "Алишер Навоий" драмасида ҳам Навоий ва Гули суҳбатида шу масалага ишора бор:

Навоий
Мени шерсиз, дединг, ёвлар қуёндир,
Қуёнларнинг иши доим аёндир.

Гули
Дуруст, шерсиз, фақат занжирбанд шер.

Навоий
Ажаб, занжирбанд шер — енгаман дер...

"Занжирбанд шер — енгаман дер". Кейинчалик, мана шу ибора Алишер Навоий билан боғлиқ тадбирларда, мақолаларда буюк мутафаккирга тегишли иқтибос сифатида кенг қўллана бошлаган. Аммо Алишер Навоийнинг бизгача етиб келган бирор асарида бу жумла, бундай афоризм йўқ.

Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Ориповнинг машҳур шеърида ҳам шундай жумла учрайди:

Беш асрки назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер,
Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер...

Хўш, бу сурат агар Алишер Навоийга тегишли бўлса, унинг асл нусхаси қаерда сақланади? Қайси қўлёзмага киритилган? Бу саволлар каминани анчадан бери ўйлантириб келади. Кўплаб устозларимиздан шу суратнинг асл манбаи ҳақида сўрадим. Аммо улар суратни бирор-бир тарихий манбада учратмаганини айтишмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу сурат Алишер Навоийга тегишли экани бот-бот таъкидланса-да, бирор мақола ёки китобда бу сурат қайси манбада борлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Алишер Навоий билан боғлиқ хорижий тадқиқотларда ҳам "Занжирбанд шер" ҳақида бирор-бир маълумот учрамайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоий ҳақида фикр юритаркан, "Яхши нақш ва яхши пешравлари бордур" деганда тасвирий санъатни эмас, мусиқий асарларни назарда тутган. Алишер Навоийнинг кўпгина хислатларини санаган Бобур унинг мусаввирлик қобилияти ҳақида сўз очмаган.

Маълумки, собиқ шўро даврида Алишер Навоий асарлари имкон қадар сиёсий мафкурага йўналтирилди. Яъни, гўёки Алишер Навоий шу сурат орқали ўзининг шердек қудратга эга эканлиги-ю, аммо унинг имкониятларини "феодал ҳукумат", давр, тузум, сиёсат "занжирлаб", чеклаб қўйгандек... Ўша даврда битилган кўплаб илмий адабиётларга ҳам ана шу қарашлар сингдирилди.

Эҳтимол, мен адашаётгандирман. (Кимдадир бу сурат тарихи ҳақида аниқ, ишончли маълумотлар бўлса, баҳам кўришни сўраган бўлардим)... Лекин бу сурат ва унинг мазмун-моҳияти билан Алишер Навоий ижодиёти, унинг қарашлари ўртасида бирор боғлиқликни тополмаяпман. Алишер Навоийнинг ***"Беша шерин гар забун қилсанг, шижоатдин эмас, Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендин шужоъ"***, деган байтида нафс итини енгиш шерни мағлуб қилишдан ҳам қийинроқ эканига ишора қилинадики, бу ҳам суратда назарда тутилган мақсадни ифодаламайди.

Биз Алишер Навоийни англаш зарурати ҳақида кўп гапирамиз. Албатта, бу улуғ зотнинг асарларини тушуниш, унинг мафтункор оламини ҳис этиш учун энг аввало тафаккуримизни у ҳақда сохта тасаввурлар, шу пайтга қадар яратилган сунъий қарашлардан тозалашимиз керак бўлади...

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Қилмиш-қидирмиш

ТАЪМАГИРЛИК

қонуний жазога сабаб бўлди

◀ (Бошланиши 3-бетда)

— Хўш, унда нима қилишим керак? — деб сўрайди У.Ҳақбердиев.

— Марказий Фарғона чўлидаги қум барханларидан лицензиясиз фойдаланишингиз мумкин. Ўзим кўз-қулоқ бўлиб тураман, ҳеч ким сизни безовта қилмайди. Туман ҳокимлиги ёки Экология қўмитасидан келадиган назоратчиларни ҳам ўзим "тинчитаман", — дея гапни узоқдан олиб келади инспекция бошлиғи. Сўнг асосий мақсадга ўтади: — Бунинг учун раҳбарларни рози қилиш керак...

У ўзи айтган "имтиёз" ва "ҳимоя" эвазига 7000 АҚШ доллари талаб қилади.

Табиийки, буни эшитиб, талабгорнинг капалаги учиб кетади:

— Илтимос, ака, сал нархини камайтиринг, — дея ялиниб-ёлворишга тушади У.Ҳақбердиев.

— Майли, — дейди Б.Қўзибоев, — мен улар билан гаплашиб кўрай-чи, жавобини айтаман.

Орадан икки-уч кун ўтгач, Б.Қўзибоев танишларини 6000 АҚШ долларига кўндирганини маълум қилади. Натижада 2020 йил декабрь ойининг охирларида Олтиариқ тумани марказида "мижоз"дан 5000 АҚШ долларини пора тариқасида олади.

— Бу иш осонликча ҳал бўлмайди. Яна пул керак бўлиши мумкин, шунга тайёр туринг, — дейди у хорижий валютани олиб, ўзининг "Каптива" русумли автомашинаси томон юраркан.

Буни қарангки, Б.Қўзибоев порани олишга олади-ю, аммо келишилган масала ора йўлда қолиб кетади. Аксинча, у яна 5600 АҚШ доллари беришни талаб қилади.

Шунда Умиджон Б.Қўзибоевнинг сохта лицензия тайёрлаб бериш ниятида экани, бу ҳаракатлари ноқонунийлигини англаб етади. Бинобарин, ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилади. Тезкор ходимлар томонидан 5600 АҚШ доллари миқдоридаги кимёвий ишлов берилган хорижий валюта тақдим этилгач, У.Ҳақбердиев таъмагир бошлиққа қўнғироқ қилиб, қаерга бориши кераклигини сўрайди.

— Қўқонга, ишхонамга келаверинг, — дейди Б.Қўзибоев.

Оқибатда у 2021 йил 28 июль куни инспекциянинг Қўқон шаҳрида жойлашган биноси ёнида яна 5600 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтида ушланади. Шундан сўнг унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Яқинда ушбу қилмиш жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани судида кўриб чиқилди. Суд Бакир Қўзибоевни Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "а, в" бандлари билан айбдор деб топиб, унга 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Лекин судланувчининг шикоятига асосан ушбу жиноят иши Фарғона вилояти судининг апелляция инстанциясида ҳам кўриб чиқилди. Апелляция суди мажлисида биринчи босқич суди томонидан Б.Қўзибоевнинг айби тўғри квалификация қилиниб, қонуний жазо тайинлангани аниқланди. Шунинг учун Фарғона вилояти суди суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш хусусида ажрим чиқарди.

Қинғир иш ҳамиша ташвиш келтиради. Нафс қутқусига учиб, жиноят содир этган Б.Қўзибоев бу ҳаёт ҳақиқатини ўз вақтида англаб етмади. Бу бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Ваҳобжон СИДДИҚОВ,
Фарғона вилояти суди судьяси

Жиноят ва жазо

ИЖТИМОИЙ тармоқдаги товламачилик

Халқимиз "кўр кўрни қоронғуда топади" дея бежизга айтмаган. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда кўнглида ғаразли мақсадни тўккан кимсалар одатда, тез тил топиб кетишади.

Масалан, косонлик Садриддин Панжиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам 2019 йилнинг баҳор ойларида Чилонзор туманининг "Қатортол" даҳасида Ирода исмли қиз билан танишиб қолади. Шундан сўнг уларнинг муносабатлари "қуюқлашиб" кетади, гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора учрашиб юришади.

Ўтган йил июль ойида улар олдиндан ўзаро тил бириктириб, товламачиликка қўл уришди. Гап шундаки, аввалига улар ижтимоий тармоқда "Ирода" номи билан шахсий профиль очишади. Сўнгра ана шу профиль орқали фуқаро Ўктам Сатторов билан танишиб, мулоқотга киришади.

Буни қарангки, бу мулоқотлар асосида Ирода макру ҳийла билан Ўктамжоннинг ўзи ва онаси Гулшод Бойназарованинг суратларини қўлга киритади. Яъни, маккор аёлнинг ширин сўзларига алданган йигит онаси ва ўзининг суратларини унга юборади.

Шундан сўнг Садриддин жиловни ўз қўлига олади. Аниқроғи, у Ироданинг номидан Ў.Сатторов билан мулоқотга киришиб, товламачиликни бошлайди. Аввалига компьютердаги "фотошоп" дастури орқали она-боланинг суратларига беҳаё тус бериб, уларни Ў.Сатторовга юборади. Буни кўриб, бояқиш йигит саросимага тушиб қолади. С.Панжиев Ў.Сатторов бу беҳаё суратларни кўргач, қандай аҳволга тушишини яхши тасаввур қиларди. Шунинг учун у Ў.Сатторовни фотомонтаж қилинган суратларни ижтимоий тармоқларда тарқатиб юбориш орқали қўрқитиб, пул талаб қилади. Элу юрт, қуни-қўшни, қариндош-уруғ ва ошна-оғайниларининг олдида шарманда бўлишини ўйлаб, чорасиз қолган Ў.Сатторов товламачининг талабини бажариб, пластик карта рақамига пул ўтказиб беради. Бу товламачиликнинг бошланиши эди. Шундан сўнг икки ҳамтовоқ қайта-қайта пул талаб қилаверади ва натижада 2021 йилнинг ноябрь ойига қадар Ў.Сатторовнинг жами 3700 АҚШ долларини қўлга киритишади.

Аммо бу нопок луқма билан товламачиларнинг нафси қонмайди. Аксинча, улар яна кўпроқ пул талаб қилишга тушишади. Бу гал С.Панжиев йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгани, автомашинасини таъмирлашга пул зарур эканини айтиб, 2000 АҚШ доллари беришни сўрайди. Бироқ Ў.Сафаров бу талабга кўнмайди. Шунда товламачи нотаниш аёлнинг беҳаё сурати устига Гулшод Бойназарованинг уяли телефон рақамини қайд этиб, унга жўнатади. Аммо товламачи ғаразли мақсадига етолмайди. Шунинг учун у алам устида онаболанинг ишлов берилган суратларини телеграмм ижтимоий тармоғи орқали тарқатиб юборади. Бу қилмиши билан товламачи Ў.Сафаров ва Г.Бойназарованинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан таҳқирлаб, уларни ҳақорат қилади.

Шундан сўнг Гулшод Бойназарова ўғлидан пул талаб қилаётган "Ирода"га нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилди. Эътиборлиси шундаки, Г.Бойназарова ИИБ тезкор ходимининг хонасида ўтирган вақтида яна яширин рақамдан қўнғироқ бўлади. У гўшакни кўтарганда нариги томондан аёл кишининг овози келади. Қўнғироқ қилувчи ўзини "Ирода" деб таништириб, Г.Бойназарова билан учрашиб, гаплашиб олмоқчи эканини айтади.

— Мен билан учрашмоқчи бўлсангиз, Сергелидаги деҳқон бозорининг ёнига келинг, — дейди Г.Бойназарова.

Бироқ "Ирода" Сергели туманига бормаслигини, агар яна пул ташлаб бермаса, ўғли иккаласининг суратларини ижтимоий тармоқда тарқатиб юбориш билан қўрқитиб, гўшакни қўяди. Шундан сўнг қонун ҳимоячилари уяли алоқа компаниялари орқали яширин рақамнинг С.Панжиевга тегишли эканини аниқлашади. Оқибатда С.Панжиев қўлга олинади. Сўнгра унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди Садриддин Панжиевни Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" банди, 130-моддаси 2-қисми "а, б" бандлари ва 140-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Албатта, суд жараёнларида С.Панжиевнинг қариндошлари томонидан жабрланувчиларга етказилган зарар қоплаб берилди. Аммо Г.Бойназарова суддаги кўрсатмасида судланувчидан 200 миллион сўм миқдорда маънавий зарар ундириб беришни сўради. Суд ўз ҳукмида етказилган маънавий зиённи ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқини унга тушунтириб ўтди.

Кези келганда шуни таассуф билан таъкидлаш лозимки, сўнги пайтларда ижтимоий тармоқлар орқали товламачилик, фирибгарлик, ҳақорат ва туҳмат қилиш сингари жиноятлар жуда кўп юз бермоқда. Тўғри, бунга жабрланувчиларнинг соддадиллиги, танимаган-билмаган инсони билан мулоқотга киришиши, айниқса, унга ишониб, ҳийла-найрангларига лаққа тушиши ҳам сабаб бўлаётир. Лекин ҳар бир кимса жиноий қилмиши беиз кетмаслиги, жавобсиз қолмаслигини теран англаши шарт. Юқорида баён этилган воқеа тафсилоти ҳам шу мақсадга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Шерзод ЮЛДАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди судьяси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-615 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6472
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22^{00}. Топширилди: 23^{40}.